

INNOVATIONS IN SCIENCE AND EDUCATION SYSTEM

FEBRUARY 7

<https://eijmr.org/conferences/index.php/eimrc>

ЖУРНАЛИСТИК АМАЛИЁТДА ШАХС ХАВФСИЗЛИГИ ВА ДАХЛСИЗЛИГИННИГ ДОЛЗАБЛИГИ

Бекмирзаева Ситора Абдурахим кизи

Аннотация: Кундалик муомалада юзлаб сўзлар воситасида ахборотлар алмашинувига хизмат қиласиз. Бироқ, биз маълум маънода истеъмол қилаётган ахборотлар ростлиги, ҳаққонийлиги, тарқалиш манбасига доим эътибор беравермаймиз. Ахборот тўплаш, уни қайта ишлаш ва оммага тақдим этиш осон иш эмас. Залворли меҳнат, ҳаракат талаб этилади.

Калит сўзлар: Ахборот асри, оммавий ахборот, журналистлик фаолият, журналистик текширув, ахборот эркинлиги.

XXI аср – ахборот асри. Айнан ахборот кишиларнинг яшаш тарзига таъсир қилмоқда. Жамиятни хурсанд қиладиган, кайфиятини кўтарадиган ҳам, қайғуга соладиган ҳам айнан ахборотдир. Ахборот тарқатувчиларнинг дахлсизлиги, хукуқ ва мажбуриятлари, уларни ҳимоя қилиш барча замонлар учун долзарб масала сифатида қаралган.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон Фармонига кўра “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 12-мақсадида айнан оммавий ахборот воситалари ходимларининг эътироф этилганлиги соҳамизга қаратилаётган эътиборнинг натижасидир. Жумладан, “Оммавий ахборот воситаларининг роли ва журналистларнинг касбий фаолияти ҳимоясини янада кучайтириш. Фуқароларни қийнаётган муаммолар ҳамда ислоҳотларнинг самарадорлигини ўрганишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш тартибини жорий қилиш. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига ноқонуний аралашганлик ва тўскинлик қилганлик, шу жумладан мансабдор шахслар томонидан цензура ўрнатиш, таҳририят ходимларига босим ва тазиқ ўтказиш, материаллар ва техник воситаларни улардан ғайриқонуний равишда олиб қўйиш ҳаракатлари содир этганлик учун жавобгарликни янада кучайтириш” каби масалалар баён этилган. Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган юқоридаги муаммолар, аввало, қонун устуворлигини таъминлашда янги вазифаларни қўйиши билан бирга, журналистларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишинг юқори поғонага кўтарилишига сабаб бўлади. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”, “Ахборот олиш эркинлиги ва кафолатлари тўғрисида”, “Муаллифлик хукуқлари ва турдош хукуқлар тўғрисида”, “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида” каби қонунларимиз журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш, уларнинг дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилан. Оммавий ахборот воситалари жадаллик билан ривожланиб боргани сайин, журналистлар хукуқларини ҳимоя қилиш асосий масалага айланмоқда. Ушбу вазият соҳага оид қонунларни яна бир бор таҳлилга тортишни тақазо этади бу тадқиқотимиз обьекти, предмети эса – бугунги кунда халқаро ва миллий қонунчиликдаги оммавий ахборот воситаларига оид янгиликлар, ўзгаришлар ташкил этади.

Тадқиқот мақсадини амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар қўйилган:

- журналистик фаолият хавфсизлиги ва дахлсизлигини хукуқий таъминлашнинг такомиллашуви тенденцияларини ўрганиш;

INNOVATIONS IN SCIENCE AND EDUCATION SYSTEM

FEBRUARY 7

<https://eijmr.org/conferences/index.php/eimrc>

- журналистик фаолиятни ҳимоялашнинг зарурати ва унинг ҳуқуқий асосларининг шаклланиш тарихини тадқиқ этиш;
- хизмат бурчини ўтаётган журналистнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таҳлил этиш;
- журналистнинг ахборот манбалари билан муносабатларини ҳуқуқий тартибга солинишини аниқлаш;
- журналистик фаолиятни ҳимояловчи ҳалқаро ташкилотларнинг ваколатларини таснифлаш;
- журналистик текширув жараёнида журналист хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- Аккредитация – журналист ваколатларини эътироф этиш асоси эканлигини таҳлил қилиш:
- Интернет ва ижтимоий медиадаги ахборот хавфсизлиги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш истиқболларини таснифлаш.

Бугунги қундаги очиқлик ва ошкоралик муҳити ва ундаги ахборот оқими журналистлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш долзарб вазифа эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Оммавий ахборот воситалари ходимларига нисбатан амалга оширилаётган турли хил таҳдидларнинг ортиб бораётганилиги ва қонунчиликда бунга нисбатан жазо чораларини қучайтириш шарт эканлиги, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларни қайта кўриб чиқиш зарурати, аккредитацияга оид қонун ҳужжатларининг ваколати ва уни ўрганиш долзарб масала эканлиги тадқиқот ишимизнинг янгилиги саналади.

ХУЛОСА

Оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши бундан бир неча йил аввалги ҳолат билан қиёсланганда, охирги йилларда соҳада тараққий этиб бораётган тенденцияларнинг ўрни ортганини ҳамда ахборот бозори янги йўналишлар жараёнлари ҳисобига кенгайиб, унда янги кўринишдаги медиа маҳсулотлар тобора ўз ўрнини эгаллаб бораётганини кўриш мумкин. Бугун ахборот майдонидаги журналистларнинг иштироки, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси, ҳалқаро амалияёт ва тажрибаси муҳим саналмоқда. Бу жараён қонунларни қайта кўриб чиқишни, янгилирини қабул қилишни талаб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни// «Халқ сўзи» 16. 01.2007. 11-12 (4164-4165) – сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари тўплами, 1998 йил, сентябрь, № 9
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонуни (1997 й.). Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Адолат, 2008.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонуни (2002 й.). Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Адолат, 2008.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни (2007). Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Адолат, 2008.